



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI



BUXORO  
DAYLAT  
UNIVERSITETI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
INNOVATION  
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

BOSHLANG'ICH TA'LIMGA  
RAQAMLI TEXNOLOGIYALARНИ  
TATBIQ ETISHNING ZAMONAVIY  
TENDENSIYALARI VA  
RIVOJLANISH OMILLARI  
  
XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMANI  
  
MATERIALLARI



## ЎҚИШ ДАРСЛАРИДА БАДИЙ МАТН УСТИДА ИШЛАШ

А.Р.Ҳамроев (Ўзбекистон)

Г.Жумаева (Ўзбекистон)

**Аннотация.** Бадиий матнда одатдаги ахборотдан ташқари ҳиссий-образли ахборот ҳам бўлади. Ўқувчи матнни ўқиётуб ёзувчи қаламга олган тасвирни кўз олдига келтиради, асар қаҳрамонлари кечинмалари ва асар гояси билан танишади, уларнинг ўзини тутиши, хатти-ҳаракатларига қараб муайян холосага келади. Кўринадики, бадиий ва илмий-оммабоп матн ўртасидаги фарқ воқеликни акс эттириши усулида кўринади.

Бадиий ва бадиий бўлмаган матнлар ўртасидаги фарқни болалар кичиклигиданоқ билиб оладилар. Шунинг учун ҳам шаклига кўра содда, мазмунан қувноқ қайфият бағишлийдиган эртак ва қўшиқларни ўқиши учун танлайдилар. Бундан ташқари, улар бадиий асарларда бир хилдаги воқеликнинг турлича тасвирланганини ҳам фарқлай бошлайдилар. Ўқувчилар шу тариқа ўзлари ўқиган матннинг «портрети»ни хаёлан чизадилар.

Ёзувчи ёки шоир сўз билан ҳамма нарсани, ҳатто дунёда мавжуд бўлмаган нарсаларни ҳам тасвирлай олади ва уларни биз тасаввур қила оламиз.

Ҳар бир ёзувчининг хаёлий образ яратиш соҳасида ўз усули ва услуби бор. Санъаткор уни биз тасаввур қила оладиган муҳитга жойлади, аниқ кўринадиган шароитга солиб қўяди. Ўқувчи Анвар Обиджоннинг 4-синф «Ўқиши китоби»даги «Бўрининг табиб бўлгани ҳақида эртак» асаридаги бўрининг инсон сифатида гапирмасликларини билса-да, уларнинг гапиришларини тўғри тасаввур қиласди.

Сўз билан сурат чизиши, воқеликнинг бадиий образини яратиш ва уни ўқувчи тасаввурига кирита олиш сўз санъатининг энг муҳим хусусияти ҳисобланади. Турли санъатларда бадиий образ турлича яратилади. Рассом уни бўёклар, мусиқачи товушлар, ёзувчи ва шоир сўзлар билан яратади.

Сўз санъатида инверсия, такрор, ёзувда тиниш белгилари билан ифодаланган интонация, сўзларнинг бирикиш усуллари, булардан ташқари муаллиф танлаган сўзларнинг ўзи ҳам ифодавийликни кучайтиради, асар қаҳрамонларининг қайфияти ва ҳиссиёти, муаллифнинг тасвирланаётган воқеликка нисбатан муносабатини англашади.

Бадиий асар муаллифи биз яшаётган дунёни алоҳида тасвирий воситалар ёрдамида ифодалайди. Шунинг учун бадиий асар яратиш ва уни ўқувчи онгида қайта тиклаш бир жараённинг икки томони ҳисобланади. Бу бадиий асарни ўқиши жараёнидир. Зоро, улар ўзаро алоқада бўлади.

Асарнинг маълум адабий турга тегишилилиги у билан адабиёт ва ўқиши дарсларида ишлаш метод ва усулларини белгилайди. Амалдаги ўқиши дарсларида ўқитувчи шеърларни ҳикоя қилиб бериши ёки ундаги тафсилларни тушунтириши мумкин.

Эпик матнда ҳикоячининг мавжудлиги унинг энг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Айнан ҳикоячи воқеалар ҳақида ҳикоя қиласди. У ҳамма нарсани «билади», ҳатто қаҳрамонларнинг фикри ва кечинмаларидан ҳам хабардор, воқеа содир бўлаётган жойда доимо ҳозир – нозир. Ҳикоячи гўё ёзувчи ва китобхон ўртасидаги воситачи ҳисобланади. Муаллиф воқеаларни объектив тасвирлаш чогида қаҳрамонларнинг орқасига яшириниб олиши, бошқа қаҳрамонларга нисбатан ўз муносабатини ифодалashi, воқеаларга баҳо бериши мумкин. Эпик асарларнинг муаллифлари ҳаётга муносабатини, одатда, ўз номидан эмас, балки иштирок этаётган шахслар, табиат тасвири орқали ифодалайди. Баъзан ёзувчилар шеърий чекиниш қилиб, асарга тарихий ва сиёсий хусусиятга эга бўлган фикрларини ҳам киритади. Аммо бунда ҳам эпик асарда атроф-муҳит кўриниши, одамлар ва воқеалар тасвири етакчи бўлиб қолаверади.

Бадиий асар – бу образлар тизими, унда ҳам қандайдир элементлар ва улар орасидаги алоқалар мавжуд бўлиши табиий. Ҳажм жиҳатдан кичикроқ бўлган одатдаги шеърий шакллардаги асарларда образлар кўп бўлмайди. Лекин эпик асарларда ҳам муаллифнинг бадиий тўқимаси бўлган образлар билан бирга тарихий шахслардан иборат жуда кўп қаҳрамонлар образи бўлиши мумкин. Муаллиф улар орқали китобхонга ўз дунёкараши, ҳаёт ва унинг маъносига доир ғоясини сингдириб юборади. Шунга кўра, бадиий ғоя асарнинг асосий моҳияти ҳисобланади. Матнга чуқур сингдирилган ғоя таҳлил натижасида ойдинлаштирилади.

Эртакларда кўпроқ фантастик хусусиятга эга бўлган воқеалар талкин этилади. Фантастик эртакларда сеҳргар қаҳрамонлар ва сеҳрли ашёлар иштирок этади. Эртакларнинг асосий қисми майший хусусиятга эга бўлиб, уларда турли табақа вакиллари тасвирланади. Зулм қораланади,

мехнатсеварлик, сахийлик каби хислатлар улуғланади. Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар ҳам бундан мустасно эмас.

Халқ достонларидағи қаҳрамонларда халқ құдрати билан боғлиқ әнг яхши хислатлар мужассамланади. Аллегорик хусусиятта эга бўлган кичикроқ ҳажмли масалларда ҳайвонлар, ашёлар образи орқали одамларнинг камчилик ва нуқсонлари устидан кулинади. У эпоснинг әнг кадимги жанрларидан хисобланади.

Бадий адабиётнинг әнг қадимий турларидан бири – шеърият мусиқа ва қўшиқ билан боғлиқ. Шеърият – инсон туйғулари, унинг руҳий ҳолати ва кечинмаларини акс эттиради. Шеърий асарларда ҳаёт ва унинг қонуниятлари эпик матн ва драмадаги сингари воқеалар орқали эмас, балки воқеалар шоирнинг идроки орқали акс эттирилади. Кўпинча тасвирланаётган воқеа ёки манзара муаллифнинг лирик кечинмалари манбаи сифатида майдонга чиқади.

Назм юқори хис-туйғуларда ифодаланиши билан ажralиб туради. Негаки бундай нутққа тингловчи ва ўқувчига нимадир мухим нарсани айтиб, унинг эътиборини жалб этиш зарур бўлгандан мурожаат қилинади. Шунинг учун бунда алоҳида нутқ кўриниши – тақрор, ундов, инверсия каби восита ва усувлардан фойдаланилади.

Эпик асарларда ҳам хис-туйғулар тасвирланади, лекин улар, одатда, адаий қаҳрамонга тегишли бўлади. Шеърий асарларда эса муаллифнинг ўзи бош қаҳрамон. Айрим шеърий асарларда муаллифнинг ўзи шеър қаҳрамони бўлмаса ҳам, тасвирланаётган, ҳикоя қилинаётган воқеа унинг хаёлидан ўтган бўлади.

Баъзан шеърий асарда табиат тасвири берилади. Аммо бу тасвир муаллифнинг ички ҳолатини очиб беришга бир баҳона, холос. Негаки бу табиат кўриниши шоирнинг қалбидан ўтиб келгандир. Асарда бизни ҳаяжонга соладиган нарса картиянинг ўзи эмас, балки табиат манзараси туфайли туғилган хиссиётдир.

**Шеърий асар таҳлили.** «Ўқишикитоби» дарслклариға киритилган шеърий асарлар турли мавзуга бағищланган бўлса-да, уларнинг орасида табиат манзараси, йил фасллариға доир шеърлар катта ўрин тутади. Жумладан, баҳор фаслига бағищланган шеърларда она табиат ўқувчи кўз олдида бутун гўзаллиги билан намоён бўлади. Бунда ҳавонинг илиши натижасида эриб кетаётган қорларни ёриб чиқаётган майса-гиёҳлар ва дов-дараҳтларнинг куртак отиши ўқувчиларга мўъжиза бўлиб туюлади. Масалан, Отаёрнинг 2-синфда ўқиб ўрганиладиган «Баҳор келди» шеъри ана шу манзаранинг ёрқин тимсолидир:

Баҳор келди, уйғотиб  
Диллар завқ-шавқин.  
Анҳорларда тошиб сув  
Солади шовқин.  
Ердан кўм-кўк майсалар  
Кўтармоқда бош.  
Дехкон кезар далада  
Чиқмасдан күёш.

Ўқувчилар ариқда шўхчан оқаётган сувни қўллари билан кўрсатадилар, унинг шилдирашига тақлид қиласидилар. Оқаётган сувнинг қиши тугашидан хурсанд эканлигини ўзларича ифодалашга ҳаракат қиласидилар. Сув оқиши, бўй чўзаётган майсалар ўқувчиларда баҳор кайфиятини ҳосил қиласиди.

Кўринадики, шеърда табиий равища иккита марказий образ пайдо бўлади, булардан биринчиси ариқчада шилдираб оқаётган сув образи бўлса, иккинчиси тобора яқинлашиб келаётган баҳор образидир. Қишининг баҳорга айланиш мўъжизаси ўқувчиларнинг кўз ўнгидаги рўй бериши уларни ҳайратга солади.

## BOSHLANG`ICH SINF TEKNOLOGIYA DARSALARINI GENDER TENGLIK VA FARQLAR ASOSIDA TASHKIL ETISH METODIKASI

Z.T.Sharopova  
*Buxoro davlat universiteti magistranti*

*Annotation: Bu maqolada texnologiya fanlarini gender tenglik asosida o'tish haqida fikrlar yuritilgan.*

*Annotation: This article discusses technology sciences on gender equality.*

*Аннотация: В этой статье обсуждаются технологические науки о гендерном равенстве.*

*Kalit so'zlar: Gender tenglik, boshlang`ich ta`lim, texnologiya, feminism.*

N. G. Dilova. O'QUVCHILARI BILIMINI FORMATIV BAHOLASH - TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISH OMILI.....	262
R.X.Jumayev, D.A.Ubaydullayeva. ONA TILI DARSLARIDA O'QUVCHILARNI SAVODLI YOZISHGA O'RGATISH USULLARI .....	265
Ю.Пўлотова, Ж.Рамазонова. БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ .....	267
А.Р.Хамроев, Х.Эргашева. СИНФДА ВА СИНФДАН ТАШҚАРИ ЎҚИШ ДАСТУРИНИНГ МАЗМУНИ .....	268
А.Р.Хамроев, С.Бахтиёрова. «ЎҚИШ КИТОБИ» ДАРСЛИКЛАРИДАГИ ВАТАН МАВЗУСИ ИЛМИЙ-ОММАБОП АСАРЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ .....	271
Ю.Пўлотова, О.Итолмасова. БАДИЙ МАТНЛАРДАГИ ФОНЕТИК, ЛЕКСИК БИРЛИКЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ПРАГМАТИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ЎСТИРИШ.....	273
Ю.Пўлотова, О.Итолмасова. БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА АДАБИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШ .....	275
А.Р.Хамроев, Г.Жумаева. ЎҚИШ ДАРСЛАРИДА БАДИЙ МАТН УСТИДА ИШЛАШ .....	277
Z.T.Sharopova. BOSHLANG`ICH SINF TEKNOLOGIYA DARSLARINI GENDER TENGLIK VA FARQLAR ASOSIDA TASHKIL ETISH METODIKASI.....	278
M.A.Uktamova. "THE IMPORTANCE OF THE AUTHOR'S FAIRY TALE AND FOLKLORE IN PRIMARY SCHOOL LESSONS" .....	280
M.J. Turdiyeva, G. M. Davronova. TA'LIMDA INDIVIDUAL YONDASHUVLI TEKNOLOGIYANING AFZALLIKLARI.....	282
Э.Паноев. МУЛКНИ ҚАСДДАН НОБУД ҚИЛИШ ёКИ УНГА ЗАРАР ЕТКАЗИШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ТЕРГОВ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТИ .....	284
Shazadayev Farhod. BOSHLANG`ICH TA'LIMDA AXBOROT TEKNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHNING INNOVASION USULLSRI HAQIDA.....	285
Э.Паноев. МУЛК ҲУҚУҚИ-ДАХЛСИЗ ҲУҚУҚ .....	289